ЖИСМОНИЙ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ МУТАХАССИСЛАРИ КАСБИЙ БАРКАМОЛЛИГИНИ ИНДИВИДУАЛЛАШТИРИШ

Х.Б.Тўхтахўжаев, Х.А.Мадаминов

Мақолада узлуксиз таълим тизимида фаолият кўрсатаётган педагогик кадрлар ва ташкилотчиларнинг мутахассислик бўйича малака ошириш амалиёти таҳлил қилинган.

Таянч сўзлар: *касбий баркамолликни индивидуаллаштириш, педагогик сифатлар диагностикаси, касбий тавсиф, малака ошириш, шахсий-касбий ўсиш.*

В статье анализируются практика повышения квалификации различных категорий специалистов и организаторов образования, вопросы непрерывного образования педагогических кадров

Ключевые слова: *индивидуализация профессионального совершенствования, диагностика педагогических качеств, профессиональные характеристики, повышение квалификации, профессионально-личностный рост.*

This article analyzes the basic principles of realization of diagnostic of training specialists of different branches as well as their individualization in physical education of students.

Key words: *individualization, physical education, pedagogics, principle, systematic.*

Жисмоний маданият ва спорт мутахассислари касбий баркамоллигини индивидуаллаштириш методикасини ишлаб чиқиш мақсадида ҳар бир иштирокчининг хусусий жиҳатларини инобатга олган ҳолда қуйидаги таркибий қисмларни ўз ичига олган шакллантирувчи экспериментни амалга оширдик:

1. Диагностик – мутахассиснинг муҳим (педагогик фаолият билан боғлиқ шахсий ва касбий сифатлари, қобилияти, мойиллиги каби) индивидуал хусусиятларини аниқлашни назарда тутади.

2. Ташкилий – мутахассиснинг педагогик фаолиятнинг фаол субъекти сифатида шаклланишига хизмат қиладиган касбий баркамолликка эришишини ташкил қилиш мазмунини ўз ичига олади.

3. Бошқарув – жисмоний маданият ва спорт бўйича мутахассиснинг касбий фаолиятини бошқаришни таъминлашни қамраб олади.

Тадқиқотда Андижон шаҳрининг турли таълим муассасаларида фаолият олиб бораётган 30 нафар 2 йилдан 20 йилга қадар иш тажрибасига эга (24 эркак ва 6 аёл) жисмоний маданият ўқитувчилари иштирок этди. Тажрибанинг асосий вазифаси қилиб жисмоний маданият ва спорт мутахассислари эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда касбий баркамолликни такомиллаштиришнинг индивидуал дастурларини яратиш белгиланди.

Тадқиқотнинг дастлабки босқичида жисмоний маданият ва спорт мутахассислари касбий маҳорати таркиби ўрганилди. Мавжуд ёндашувларнинг қиёсий таҳлили педагогик маҳорат таркиби ўзига хос шахсий жиҳатлар, умумий ва махсус билимлар, касбий кўникмалар ҳамда методик технологиялардан иборат деган хулосага олиб келади [4, 5, 6, 8, 9].

Мутахассиснинг педагогик сифатларини баҳолаш учун жисмоний маданият ўқитувчиси касбий маҳорати комплекс диагностикасига йўналтирилган таркибида махсус метод ва тестларни қамраб олувчи қуйидаги мажмуавий технология ишлаб чиқилди:

1. Жисмоний тайёргарлик тести. Мутахассиснинг жисмоний тайёргарлиги (турли жисмоний машқларни кўрсата олиши, ўқув-тарбия жараёнидаги бевосита иштироки кабилар) синовдан ўтказилди.

2. Касбий саводхонлик тести ўқитувчининг назарий билимлари, жисмоний маданият методикаси, ҳаёт ва меҳнат шароитларига кўникиш қобилиятларини аниқлаш мақсадида амалга оширилди. Педагогларга қуйидаги уч йўналишдаги саволлардан иборат назорат топшириқлари берилди: 1) жисмоний маданият ва спорт тарихига оид, 2) жисмоний маданият ўқитиш методикасига тааллуқли ва 3) замонавий педагогик вазифаларни ҳал қилишга доир.

3. Мутахассисларнинг педагогик фаолиятларини ўзлари томонидан баҳолаши. Бундай баҳолаш натижалари ҳар бир ўқитувчининг педагогик қобилияти, кўникмалари билан боғлиқ асосий касбий ва шахсий сифатларининг намоён бўлиши ҳамда ривожланиши таснифини тузиш имконини беради. Ўз-ўзини баҳолаш учун биз “Жисмоний маданият ва спорт мутахассиси касбий диагностикаси харитаси”дан фойдаландик.

Жисмоний маданият ва спорт мутахассиси касбий диагностикаси ўз таркибида ўқув услубий ва илмий воситаларни қамраб олган 10 та; ло-

йиҳалаш, ташкилотчилик, коммуникативлик сингари муҳим педагогик кўникмаларига алоқадор 37 та; касбий кўникмаларни эгаллаш билан боғлиқ 12 та ва шахсий сифатлардан иборат 10 та мезонни мужассам этади. Ўз-ўзини баҳолаш 5 балли тизим асосида амалга оширилди.

4. Педагогик жараёнда реал намоён бўладиган муҳим касбий ва шахсий жиҳатларга ойдинлик киритиш мақсадида анкета сўрови ўтказилди.

5. Айрим масалаларга муайян даражада қўшимча ойдинлик киритиш ҳамда бошқа усулларни қўллаш орқали эгалланган маълумотларни текшириш мақсадида мутахассислардан (эркин ва стандартланган) интервью олиш амалга оширилди.

6. Мутахассис касбий лаёқатига эксперт баҳоси. Жисмоний маданият ўқитувчиси педагогик фаолияти эксперт баҳосининг асосий предмети ҳисобланади.

Диагностика натижалари ўз малакасини мунтазам ошириб борадиган ҳар бир ўқитувчи маълум даражадаги назарий билим ва касбий фаолияти билан боғлиқ муайян амалий кўникмаларга эгалиги, шунингдек, ижтимоий ҳаёт ва умумий педагогик жараёнга нисбатан ўз қарашлари, нуқтаи назарига эгалигини кўрсатди.

Эксперимент икки босқичда амалга оширилди: биринчиси - малака оширишнинг икки ҳафталик курсларида, иккинчиси - курсдан кейинги мустақил ишлар даврида.

Диагностика натижаларига асосан ҳар бир мутахассис ўқитувчининг тайёргарлик даражаси, таълимий қизиқиш, манфаат ва эҳтиёжлари, ижодкорлиги, интилиши ҳамда қобилиятларига таянган ҳолда малака ошириш курсларида алоҳида-алоҳида ўқитиш дастурлари ишлаб чиқилди. Ишлаб чиқилган дастурларда қуйидаги ҳолатлар инобатга олинди:

1. Жисмоний маданият ва спорт, жисмоний маданият назарияси ва методикаси, психология, педагогика, валеология, жисмоний маданият ва спорт тарихи, спорт метрологияси ва бошқа соҳалардаги билимларни такомиллаштириш.

2. Ўқитувчи ижодий (таълимий-амалий ўйинлар, муаммоли масалаларни ечиш) фаолиятини ривожлантириш.

3. Жисмоний жиҳатларни такомиллаштириш (амалий машғулотларда).

4. Методик билим ва кўникмаларни ривожлантириш. Бунинг учун мутахассислар ўз ҳудудида фаолият юритаётган илғор ўқитувчилар тажрибасини ўрганиб, уларнинг дарсларини кузатиш ва таҳлил қилишга катта эътибор қаратдилар.

Мазкур ишлар ўзаро чамбарчас боғлиқ икки йўналиш асосида амалга оширилди: мутахассис касбий маҳоратини шакллантириш ва такомиллаштиришни кўзда тутган ҳолда бутун гуруҳ билан ҳамда педагог ижодий фаолиятининг ривожланишини таъминловчи индивидуал ёндашув асосида. Машғулотларда қуйидаги воситалардан фойдаланилди: индивидуал топшириқлар, маърузалар, тадқиқотни амалга ошириш. Топшириқларни танлаш ва саралашда ҳар бир шахснинг ўзига хос индивидуал хусусиятларини сақлаган ҳолда унда мавжуд потенциал имкониятларни юзага чиқаришга алоҳида эътибор қаратилди. Бу усулларни қўллашда педагогда мавжуд касбий фаолият билан боғлиқ нуқсон ва камчиликларни имкон даражасида аниқлаш ҳамда уларни бартараф этишга ёрдам беришга асосий вазифа сифатида қаралди. Ҳар бир ўқитувчига унинг табиатига хос бўлмаган ёки илгари қўлламаган фаолият турлари ҳамда ролларни амалга оширишни топшириқ қилиб бериш орқали унда янги касбий сифатларнинг шаклланиши ва ривожланишига эришилди.

Экспериментда мутахассисларнинг ҳаракатчанлик имкониятларини такомиллаштиришга муҳим аҳамият қаратилди. Бунинг учун таркибида турли ҳаракатланиш элементларини, техник-тактик комбинацияларни, шунингдек, оригинал тарздаги ижрони талаб қиладиган ҳаракатланиш машқларини қамраб олган индивидуал машғулотлар режалари ишлаб чиқилди.

Очиқ дарслар жараёнида мутахассислар ўз касбдошлари тажрибалари билан яқиндан танишиш, фаолиятларини таҳлил қилиш асносида индивидуал методик билимлари, когнитив қобилиятларини ривожлантириш имконига эга бўлишди. Дарслар таҳлилидаги фаол муҳокама мутахассисларнинг ягона ва тўғри фикрга келишларида муҳим омил вазифасини ўтади.

Экспериментнинг иккинчи босқичи. Педагогик диагностика натижаларига асосланган ҳолда жисмоний маданият ва спорт мутахассиси касбий маҳорати, ижодий фаолият юритиш имконини малака ошириш курсини тамомлаганидан кейинги такомиллаштириш билан боғлиқ индиивидуал иш режаларини ишлаб чиқиш ҳисобига тадқиқот кўламини бойитишга муваффақ бўлинди. Ўз-ўзини ривожлантиришнинг индивидуал режасида мутахассис методологик-назарий даражасини кўтариш, ўқитадиган фани бўйича билимларини чуқурлаштириш, психологик-педагогик билимлари кўламини ошириш, мавзуга оид муаммо устида мустақил изланишини кучайтириш, ижодий характердаги топшириқларни бажаришга эътиборини кучайтириш кабилар назарда тутилади. Бунинг учун адабиётларни ўқиш, илғор тажрибаларни ўрганиш,

маърузалар тинглаш, конференция ва семинарларда фаол иштирок этиш, маърузалар тайёрлаш, мақолалар нашр эттириш билан боғлиқ фаолият турларига эътиборни кучайтириш талаб қилинади.

Педагогик эксперимент натижалари ўқитувчилар фаолиятининг ижобий томонга ўзгаргани тўғрисида фикр билдириш имконини беради. Мазкур методиканинг самарадорлик мезони сифатида касбий кўникмаларни холисона баҳолаш, касбий билимларининг ҳам мустақил, ҳам экспертлар томонидан баҳоланишини қайд этиш лозим. Ўзўзини баҳолаш жараёнида айрим нохолислик ёки субъективлик кузатилди. Бу жараён ўзгалар томонидан амалга оширилганда, ўқув-методик, илмий-амалий кўникмаларда – 3,73 (ўқитувчининг ўзи қўйган балл) ва 3,57 (эксперт томонидан қўйилган балл) балл орасидаги тафовут кузатилди. Бошқа барча кўрсаткичларда ўқитувчининг ўз-ўзини баҳолаши экспертлар томонидан қўйилган балларга мос келди ва, энг муҳими, уларнинг даражаси ошгани кузатилди. Масалан, ўқитувчининг лойиҳалаш имкониятлари билан боғлиқ кўникмалари (мос тарзда 3,83 ва 4,06 балл); конструктивлик кўникмалари (4,11 ва 4,31 балл); коммуникативлик кўникмалари (4,17 ва 4,34 балл) ни ташкил қилди. Шунингдек, тажрибада ўқитувчи иш тажрибасининг ортгани сари ўз-ўзини баҳолаш имкониятларининг кўтарилиши ва реаллашишини аниқлашга муваффақ бўлинди. Бунга ўз фаолиятига танқидий кўз билан қараш, ўз устида ишлаш, ўз имкониятларини тўғри баҳолаш кабилар ҳисобига эришилади. Аксарият ҳолларда ўқитувчилар бевосита ўз амалий фаолиятларида нисбатан кўп қўллаган (болалар хулқи ва фаолиятини бошқариш, мавжуд хатоларини кўрсата билиш ва уларни бартараф этиш, тушунтириш, мулоқот кўникмалари) ҳамда хавфсиз, лекин самарали деб билган кўникмалари ва малакаларига таянишга, уларни ажратиб кўрсатишга ҳаракат қиладилар. Назарий билимлар (дидактик тамойилларни қўллаш, дарс таҳлили, лойиҳалаш кўникмалари)ни амалий фаолиятда қўллаш билан боғлиқ кўникмалар тўғрисида маълумот беришга етарли даражада эътибор қаратилмаганига гувоҳ бўламиз. Шу билан бирга, ўз фаолияти натижалари билан чуқур танишиш, индивидуал хусусиятларни инобатга олган ҳолда касбий маҳоратини такомиллаштириш эҳтиёжи ўқитувчиларда ўзига, ўз билим, қобилият ва кучига бўлган ишончнинг ортишига туртки бўлди.

Тажриба-синов ишининг боши ҳамда охирида экспертлар жисмоний маданият ўқитувчиларида устувор касбий-педагогик кўникмаларнинг шаклланганлик даражасини махсус ишлаб чиқилган баҳолаш мезони ёрдамида қайд этиб бордилар. Натижалар барча кўрсаткичлар бўйича ўқитувчиларда мавжуд кўникмаларнинг ўртача кўрсаткичи тажриба-синов ишларидан кейин кескин ошганини кўрсатди:

1. Ўқитувчи фаолияти (талабалар билан мулоқот, ўзи ва талабалари хулқи назорати ва бошқалар): экспериментгача - 4,02, экспериментдан кейин - 4,28 баллни ташкил қилди.

2. Ҳаракатчанлик билан боғлиқ ҳаракатларни тушунтириш (тўғрилиги, аниқлиги, бажара олиш имконияти, махсус атамаларни қўллай билиши) – мос тарзда 3,71 ва 4,07 балл.

3. Турли жисмоний машқлар ва уларнинг (тўғри техника, оптимал лойиҳалаш, жойни тўғри танлаш каби) элементларини кўрсатиб бериш - 3,99 ва 4,35 балл.

4. Машқларни (барча хатоларни аниқлаш, уларнинг сабаблари ва тузатиш йўлларини билиш, муҳофаза қилиш) бажаришни назорат қилиш - 3,99 ва 4,15 балл.

5. Жисмоний юкламаларни тақсимлай билиш, ритм тавсифи ҳамда ҳажмини мувофиқлаштириш, ишлаш ва дам олиш интервалини тўғри танлай билиш кўникмаси - 3,69 ва 4,04 балл.

6. Машғулот иштирокчилари фаолияти (барча топшириқларни бажариш, машғулотларда фаол бўлиш кабилар)ни бошқариш кўникмаси - 4,13 ва 4,34 балл ташкил қилди.

Экспертлар эътирофига кўра, деярли барча ўқитувчиларнинг дарслари қизиқарли ва динамик характерга эга бўлди. Ўқитувчиларда шуғулланувчилар фаолиятини бойитиш, уларнинг руҳиятини кўтариш мақсадида дарсларда ностандарт жиҳозлардан, мусиқий оҳанглардан, қизиқарли ўйинлардан фойдаланишга бўлган иштиёқ ортганига гувоҳ бўлинди. Шунингдек, экспертлар барча ўқитувчиларда ҳаракатланиш билан боғлиқ машқлар ва топшириқларни дарс жараёнига олиб кириш захирасининг ошганига диққат қаратишди.

Жисмоний маданият ўқитувчиларини тажриба-синов жараёнида касбий билим даражасига кўра уч хил: юқори, ўрта ва паст тоифадаги гуруҳларга ажратиб олдик. Тажриба охирида уларнинг ўзаро кўрсаткичлари қуйидаги кўринишга келганини қиёсий таҳлил асосида аниқлаш имконига эга бўлдик: юқори даражадаги касбий билимга эга бўлган жисмоний тарбия ўқитувчилари гуруҳи эксперимент бошида 23,30%, экспериментдан кейин - 46,67%, ўрта даражадаги гуруҳ даражаси мос тарзда - 16,40%, ва 33,33%, қуйи билим даражасига эга бўлган гуруҳ даражаси - 13,30% ва 30,20% ни ташкил қилди. Ўқитувчиларнинг касбий билим даражаси (ҳар бир саволга 5) 5 баллик тизим асосида баҳоланди ва ҳар 3 саволдан сўнг

13-15 балл тўплаган мутахассисга юқори, 9-12 балл тўплаган педагогга ўрта, 8 ва ундан паст балл тўплаган ўқитувчига эса паст баллар қўйиб борилди. Қиёсий таҳлил педагогик тажриба-синов ишларидан кейин ҳеч бир жисмоний маданият ўқитувчиси билим даражаси бўйича паст натижа кўрсатмагани, юқори балл олган педагоглар сони ортганини аниқлаш имконини берди.

Олинган натижалар жисмоний маданият ва спорт мутахассислари касбий маҳоратларини янада такомиллаштиришда муҳим назарий манба бўлиб хизмат қилишига ишонч ҳосил қилинди. Бошқача айтганда, жисмоний маданият ва спорт мутахассислари касбий баркамоллигини такомиллаштиришга индивидуал ёндашиш ўз истиқболига эгалиги илмий жиҳатдан асосланди.

Адабиётлар:

1. Артубалевская В.В. Круговая подготовка педагога, как систематизирующий фактор их непрерывного повышения квалификации: Дисс… канд.пед.наук.- Спб.,1993.

2. Баранов В.И. Совершенствовать систему повышения квалификации руководящих кадров физической культуры и спорта // Теор. и практ. физ. культ.- 1988.- № 1.

3. Вейт М.А. Непрерывное образование и подготовка учителя // Сов.педагогика.- 1991.- №8.

4. Дергач А.А.,А.А. Исаев. Педагогическое мастерство тренера. - М.: ФиС, 1981.

5. Дикунов А.И. Структура педагогического мастерства // Теор. и практ. физ. культ.- 1994.- №12.

6. Лях В.И., Л.Б. Кофман. Как оценить деятельность учителя физической культуры // Физическая культура в школе.- 1992.- № 5-6

7. Онушкина В.Г. Концепция повышения квалификации кадров в системе непрерывного образования.- Л., 1988.

8. Петунин О.В. Формирование педагогического мастерства учителя физической культуры.- М.,1980.

9. Решетень И.Н., Кобер И.Х. Основы педагогического мастерства учителя физической культуры.- Алма-Ата, 1990.

10. Чегодаев Н.М. Организационно-педагогические условия совершенствования системы повышения квалификации педагогических кадров. Дисс… канд.пед.наук.- М.,1991.

11. Чернов К.Л., Кузнецов В.К., Ю.А.Каширцев. Организационно-деятельностная структура системы повышения квалификации работников сферы физической культуры и спорта // Теор. и практ. физ. культ.- 1993.-№ 7.

12. Шляхтенок Г.И. Подготовка и повышение квалификации физкультурных кадров.- Минск, 1991.

ЎМКҲТТКМО ва УҚТИ,
Андижон давлат университети,
2015 йил 5 октябрда қабул қилинган
(Тақризчи: доц. Ҳ.Солиев)